Юқорида таъкидланганидек, оила, аёллар ва болалар учун қилинаётган ишларнинг кўлами катта.

Венада бўлиб ўтган (1993 йил) Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутун жаҳон конвенцияси таъкидлаган ва Инсон камолоти тўғрисидаги кенг қамровли Маърузада баён қилинган аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги - уларнинг қонун билан ҳимояланиши ижтимоий хизматларга эркин йўл қўйилиши, иқтисодий ва сиёсий қарорлар қабул қилишда тенг имкониятларини, оила, турмушининг барча жабҳаларида жинсига қараб камситиш, зўравонликни тугатишни ўз ичига олади.

Бутун дунё оёллариининг ҳимоясига айланган бу Маъруза Ўзбекистонда қандай кўриб чиқилган деган ҳақли савол туғилади. Кўз олдимизга мустақиллигимизнинг илк йилларидан то бугунга қадар босиб ўтилган қисқа, аммо залворли давр келади. Аввало, Президентимизнинг 1995 йил 2 март

"Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги Фармони бунга тўла қонли жавоб бўла олади. Фармон хотин-қизлар масаласини миллий сиёсатга айлантирди.

Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси 1979 йил 18 декабрда қабул қилган аёлларга нисбатан камситишнинг «ҳар қандай шакллари йўқотиш тўғрисидаги Конвенциянинг» муҳим йўналишида оилавий аҳволдан қатъий назар, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, фуқаролик ёки ҳар қандай бошқа соҳа инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни эътироф этиш, улардан фойдаланишга ҳар қандай жинси четга чиқариб қўйиш, чеклаш айбларини камайтириш муҳим деб белгиланади (1-модда). Ўзбекистон Республикаси бу муҳим шартномага 1995 йил 6 майда қўшилди. Аёллар республикада аҳолисининг 50,2 фоизини ташкил этиб, туғилиш ўсиб бормоқда. Соғломлаштириш, оналик, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ва оширилмаётган тадбирлар изчиллик билан назорат қилинади. Аёллар маълумотлилиги даражаси мунтазам равишда юқорилаб бормоқда. 48,8 фоиз аёллар соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, санъат, кинематография соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Шулардан:

- соғлиқни сақлашда-74,9
 - маданият ва санъатда-51,2
 - маорифда-68,3
 - олий маълумотли аёллар-47,0
 - иқтисодиёт соҳасида раҳбар аёллар-23,0 фоизга етган.
- «Ўзбекистон хотин-қизлар» Т, 1999. Статистик тўплам.

Шубҳасиз, бу рақамлар ортида, ҳар бирининг изида ҳаёт, меҳнат, ижодкорлик ва тараққиёт турибди. Буларнинг бариси вақт ва келажакнинг муҳим талаби, Ватанимизнинг, истиқболи билан боғлиқ.

3. Оилавий муносабатлар иқлими

Оила, аввало, жамиятдаги улкан ижтимоий куч, унинг асоси. Унинг негизида кечаги кунимиз тарихи, бугунимизнинг ойдин саҳифалари яратилади, эртанги кунимизга умид туғилади. Биз шу оила билан ҳар куни тонгда янгидан дунёга келамиз. Бу туғилиш бизни дунёга меҳр туйғуси билан қарашга ундайди. Чунки кўз ўнгимизда кечагина бешикни

тебратиб, овутганларимиз фарзандларимиз ўсмоқда.

Оила, аввало боланинг мурғак юрагига, нозик вужудига, руҳига меҳр берувчи бўстондир. Бола бу меҳрни онасининг иссиқ бағридан, майин овозидан, кўзларидан, оппоқ сутидан олади. Бу унинг ҳар бир томирига жондай кириб бораркан, кўзи ёруғликка, вужуди товушларга, руҳи оромга интилади. Бола чиндан ҳам дақиқа сайин ўсади. «Маълумки, она сутининг таркибида ҳар хил тузлар, витаминлар, оқсиллар, гормонлар ва бошқа ўта фаол биомоддалар мавжуд. Улар шундай мутаносибликдаки, шу туфайли бу моддалар бола меъда-ичак тизимида бенуқсон ва ўз қиёмига етган ҳолда сўрилиб ҳазм бўлади. Энг асосийси, она сутининг таркибида пролоктин гормони бор. Бу модда ҳомиладорлик бошланган пайтдан бошлаб она организмида кўпая бошлайди ва бола туғилган пайтдан энг кўп миқдорда бўлади. Худди шу ўта фаол модда она сутининг бирга бола организмига ўтади ва қиз боланинг келажакда она бўлишини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Она сутидан пролоктин орқали ўғил болага жасурлик, мардлик, куч ва чаққонлик каби сифатлар берилади.». Бекназаров Ж- «Она ва бола таянчи»- Т, 2001. Она сутининг билан болани тўйдириш орқали қатор вазифалар амалга оширилади. Бола тўлиқ овқатлантирилади, соғлиги таъминланади, тинч ухлайди.

Боланинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсишида ота - онанинг ўз бурчи ва вазифаларига садоқат ва фидоийлик билан ёндашишлари жуда муҳим. Улар боланинг нафас олишидан ёндашишлари жуда муҳим. Улар боланинг нафас олишидан торттиб, ҳар бир ҳаракатига қизиқишлари, назорат қилиб туришлари, ҳар бир ишни сидқидилдан бажаришлари мақсадга олиб келади. Шундагина ўсаётган боланинг жисми ва руҳида соғлом уйғунлик вужудга келади. Бу ўринда оилада ота-онанинг бир-бирга самимий ва илиқ муносабатлари, ҳурмати ва иззати, бир-бирини тушунишлари катта аҳамият ва асос касб этади. Меҳр бор жойда ҳаёт гуллайди. «Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага ҳос қадриятлар анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.».

Оила, аввало, болага тил ўргатувчи илк макон ҳисобланади. Бола шу ерда ўз она тилининг аллага йўғрилган оҳанглари, жозибасини беихтиёр руҳига, жисмига, юрагига ҳайлаб боради, у ота-онанинг кўз қарашида, сўзлашида, ҳаракатларида тилнинг қудратини кўриб улғаяди. Тил орқали

дунёга кириб, дунёни қабул қила бошлайди. Тил орқали ўзини таниб, ўзини танита борди. Шу боисдан ҳам бола тарбиясида тилни ўрганиб бориш энг муҳим ҳаёт қонунига кирди. Ота ва она ҳар бир сўзни болага аниқ, тўғри, содда, тушунарли қилиб, эркаловчи оҳангларда етказа олиши зарур. Ота-она боланинг биринчи муаллимидир, дейилишида жон бор. Айнан шу оила мактаби жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги, тараққиётини таъминлайди. Бунинг асосида оилавий муносабатлар маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Бу ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият ривожини билан узвий боғлиқ ҳолда такомиллашиб боради. Бунда никоҳ тузиш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш маданий тус ола бошлайди. Бу маданийлик замирида ота-онанинг бир-бирига, ота-онанинг болага, ўз навбатида, боланинг ота-онага муносабатлари шаклланади.

Оилада, аввало, болага тарбия ва илм бериш орқали маданий-маънавий қадриятлар сингдириб борилади. Соғломлаштириш, оилада, жамоатчилик орасида ўзини тутиш, кийиниш, овқатланиш одоблари ўргатилади. Бу масалада бола энг биринчи ибратни оиладан, ота-онасидан олади. Уларнинг бир-бирига муомалалари, кийиниши ва овқатланиши, ҳатто қандай таом хуш кўриши, сўзлашиш маданиятига эътибор беради, улардан андаза олади. Бола буларни ўзини англаган вақтдан бошлаб кузата бошлайди, бу кузатишларини уйдан ташқарига чиққач, кўчада, боғчада, мактабда кўрганлари, эшитганлари билан таққослайди, хулосалар ясайди. Худди шу паллада бола оилада самимий муносабатлар иқлимини сезса, ота-онанинг аввало, бир-бирига шунинг баробарида, болалари ва атрофдагиларга ўз ҳурматини сақлаган ҳолда, иззат кўрсатса, болани айнан шу фазилатлар бойитиб боради. Бу қадриятлар ҳаёт каби ҳамиша қадим ва навқиронлигини, ўзи ҳам уларни ўзидан кейинги авлодларга қолдириши лозимлигини ҳис этиб, англаб ўсади.

Оилада, аввало, ёш авлод оилавий ҳаётга тайёрлана бошлайди. Бу ота-она олдидаги ўта маъсулиятли, ёшлар тарбиясида ахлоқий, жисмоний, маънавий, жинсий тарбияларни ўзида мужассамлаштирувчи вазифа. Бу вазифа шуниси билан мураккаб, бир оила иккинчисига ўхшамайди. Чунки ҳар бир инсон ўзига хос дунё. Ҳар ким ўзидан келиб чиқиб, оилада янги оилаларни вужудга келтиради.

Ҳаётини кузатишлар шуни кўрсатадики, сабр - тоқатли, илмли, ҳунарли, меҳнатсевар, мақсади йўлида дуч келган қийинчиликларни чидам билан енга оладиган оила бағридан

униб чиққан янги оилалар оиланинг туб моҳиятига жиддий қарашади. Бироқ барча оилалар ҳам бахтли ҳаёт кечиради, деб бўлмайди. Бунинг сабаблари кўп. Ёшлар бу ҳаётга тайёр эмаслиги, ҳар бири ўзининг оиладаги бурч ва вазифаларини тўла тушуниб етмаганликлари, муомала маданиятидаги оқсоқликлари, ҳаётини масалаларни ечишда гўрликлари кўриниб қолмоқда. Истасак ҳам, истамасак ҳам бу муаммоларнинг туб илдизлари яна оилага, ота-онага бориб тақалади. Чунки айрим ҳолларда ҳали ҳам ота - онасининг бойлиги, обрўи ҳисобида яшаётган, оиладек муқаддас тушунчани янги қабул қилган ёшлар меҳнат қилиб, оиласини боқиш, фарзандларни тарбиялаш, атрофдагилар билан муомала қилиш ўзларида тўла ва мукамал шакллантира олмаганликлари билан ташвишли ҳолларни юзага келтирмоқдалар. Оила олдида ўз масъулиятини ҳис қилмаслик оқибатида ҳаётда учраган оддий қийинчиликларни ҳам ечолмаганликларидан бундай оилаларнинг янги ҳаётга мослашиб кетиши ё оғир кечади, ё қийинчиликларга дош беролмай, бузилиб кетади.

Бугунги кунда бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида оилавий муносабатлар маданиятига республика миқёсида комплекс ёндашиб, бу муаммони ҳал этишда оила билан боғча, мактаб, маҳалла, ўқув юртлари, жамғармалар, нодавлат ташкилотлари ва ҳуқуқ органларининг ҳам масъул, бурчдорлиги таъкидланмоқда. Оила йили (1998) эълон қилиниши муносабати билан оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган Давлат дастури ва «Оила Кодекси»нинг қабул қилинишининг, Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилиши, Аёллар йили (1999)да республикадаги барча ижтимоий-маданий муассасалар, тарбия масканларининг фаолиятлари инсон манфаатларини ўрганишга қаратилиши фикримизнинг яққол далилидир. Бу оддий мақсадларнинг мантиқий давоми сифатида Соғлом авлод йили (2000), она ва болалар йили (2001)нинг ҳақиқий маъноси шундан иборатки, ҳар бир инсон ўзидан соғлом фарзанд қолдириши зарурлигини англаб етсагина, миллат Ватан, жамият равнақига равнақ кўшилади.

Жамиятимизда қадриятларимизга янги муносабатлар шаклланаётган экан, бунда ёшлар тарбиясида оилавий муносабатлар маданияти масаласи жуда муҳим ва долзарб. Чунки оила ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиёти билан узвий боғланишлагина такомиллашади. Бу боғланиш республикада олиб борилаётган оила малакасининг давлат сиёса-

ти даражасига кўтарилиш билан боғлиқ экан, бу - ҳар бир инсоннинг, аввало, оиласи, жамиятда тутган ўрни ва бахтини топа олиши, болалигида олган тарбияси, ёшлигида ўзлаштирган билимлари, касби, маҳорати, дунёқараши, ахлоқининг мукамаллашиб бориши билан баҳоланади.

УДК.09.00.11.

СЕМЬЯ - ОСНОВА И СИМВОЛ ОТЕЧЕСТВА

Ф. Саифназарова

На современном этапе для решения многих политических, идеологических, социально-экономических проблем очень важное значение имеет глубокое осмысление реального положения узбекской семьи - городской и сельской, потенциальных возможностей повышения её роли в национальном и общественном развитии Узбекистана.

Семья - важнейший институт социализации подрастающих поколений. Она представляет собою универсальную по сути среду развития детей, подростков, юношей, качество которой определяется рядом параметров каждой конкретной семьи. Социально-культурный параметр зависит от образовательного уровня, мировоззрения родителей и их участия в жизни общества; социально-экономический - определяется имущественными характеристиками и занятостью родителей на работе; технико - гигиенический зависит от условий проживания, комфортности жилища, особенности образа жизни и, наконец, демографический - определяется структурой семьи.

В структуре населения республики свыше 63 %, составляют дети, подростки, молодёжь в возрасте до 25 лет. Современное общество не может быть безразличным к тому, как в гражданском и идейном плане формируется молодёжь, какие образцы поведения являются её идеалами, какие жизненные планы она строит и как их реализует. Психология молодёжи, будучи продуктом всей системы общественных отношений, объективно претерпевает изменения в зависимости от характера экономической и духовной жизни государства, общества, народа.

Важнейшим показателем уровня духовной культуры общества является высокая степень доступности системы образования и воспитания, культурно-просветительных учрежде-

ний, а также средств массовой информации и пропаганды.

В связи с процессом национального и духовного возрождения все большее значение приобретает восстановление, укрепление прогрессивных брачно-семейных и общественных традиций, обычаев.

Имея в виду испытания, переживаемые населением, особенно молодёжью, в период перехода к новым экономическим отношениям и формирование иной идеологической атмосферы в республике, следует отметить и то, что в сознании, настроениях людей постепенно меняются психологические установки, ценностные ориентиры и критерии. Всё это так или иначе сказывается на отношении молодых поколений к браку, к семейной жизни, но и при этом на всех этапах формирования личности семья остаётся основным институтом воспитания и социализации личности. Она является не пассивным продуктом внешних условий, а активным субъектом социального и духовного оздоровления общества, так как социальная и духовная позиция формируется, прежде всего, в семье.

Значительное воздействие на развитие брачно-семейных отношений оказывают изменения в социальном положении женщины. Массовое вовлечение женщин в производственную и общественную деятельность разрушило их традиционное подчинённое положение и существенно повлияло на их сознание, на роль в брачно-семейных отношениях. Это имело большое позитивное значение для развития личности женщины, повышения её статуса в семье и обществе. Семья перестала быть отцовской семьёй, хотя главой семьи часто является муж - отец. Женщина пользуется такими же правами, как и мужчина, мать имеет права, равные правам отца. В этом смысле, существенные позитивные результаты были достигнуты благодаря мероприятиям, проведённым в "Год семьи" (1998 г.), "Год женщины" (1999 г.), "Год здорового поколения" (2000 г.), "Год матери и ребёнка" (2001 г.). К тому же, в Узбекистане осуществляются специальные программы, учитывающие интересы мужчин и женщин, всех групп и поколений населения. Это, например, программа повышения статуса и роли женщин в обществе; программа укрепления семьи; программа воспитания здорового поколения; Национальная программа по подготовке кадров; программа реформирования здравоохранения; программа оказания помощи инва-

лидам; программа помощи малообеспеченным семьям и семьям с детьми. Несмотря на трудности с финансированием этих программ, их выполнение приносит заметные результаты. Нслучайно, в честь 50-летия Всемирной организации здравоохранения Узбекистан был удостоен награды за большой вклад в дело охраны здоровья женщин и детей, а два акушерских комплекса Ташкента сертифицированы ЮНИСЕФ как "Учреждения доброжелательного отношения к ребёнку".

Насколько судьба женщины зависима от социально-экономического и нравственного климата общества, настолько же здоровье общества - от самочувствия его женской половины. Женщина оказывает значительное влияние на духовную жизнь общества, так как она по-прежнему выполняет основные воспитательные функции в семье.

Одним из определяющих факторов стабильности и благополучия во внутрисемейных отношениях является роль отца - главы семьи. Он является старшим и ответственным членом семьи. Социологические и психологические исследования убедительно показывают, сколь значима роль отца в воспитании детей. Однако, в связи с увеличением численности детей, остающихся из-за развода без отца, стоит отметить, что сравнивая детей, выросших с отцом, и без него, исследователи выявили, что дети, выросшие без отцов, часто имеют пониженный уровень притязаний, у них выше уровень тревожности, чаще встречаются неврологические симптомы, они хуже налаживают контакты со сверстниками. Сохранение положения мужчины в качестве главы семьи объясняется не только традициями патриархата, но и его решающей ролью в материальном обеспечении, в организации всех семейных дел.

Сейчас происходит демократизация семейных отношений, меняется характер общения супругов. Стало естественным для мужа проявлять больше внимания к жене, оказывать ей помощь в ведении домашнего хозяйства, хотя распределение обязанностей происходит по давней традиции. Равноправие женщины в семейных отношениях гарантировано и закреплено в Конституции Республики Узбекистан (ст. 46) и в Семейном кодексе Республики Узбекистан, где сказано: "Регулирование семейных отношений осуществляется на основе принципа добровольности брачного союза мужчины и женщины, равенства личных и имущественных прав супругов....".

В современных условиях взаимоотношения старших с

младшими становится всё более равноправными, доверительными, хотя авторитет старших и родителей, уважение младших к ним сохраняются.

Как и прежде, в семье окружено почётом старшее поколение, к советам и наставлениям которого дети всегда прислушиваются. Все эти факторы способствуют сплочению узбекской семьи. Кроме того, узбекская семья, как и семья любой другой коренной национальности, ни в радости, ни в горе никогда не остаётся в одиночестве. Помощь, участие соседей, друзей, махаллинской общины являются традиционными. Таким образом, в настоящее время происходит эволюция отношений внутри семьи, развивается демократия внутрисемейных отношений, происходит выравнивание ролевых функций супругов.

Наблюдается активизация молодёжи, в том числе молодых женщин, в делах семьи. Если прежняя семья тяготела к неизменности быта, к традиционным отношениям и привычкам, то современная семья стремится к преобразованиям, но с учётом того, что по основным, принципиальным вопросам жизнедеятельности семья должна иметь прочные устои, духовно богатые традиции.

В этом плане, семьям существенную помощь оказывают Международный благотворительный фонд Узбекистана "За здоровое поколение" и Республиканский научно-практический Центр "Оила" ("Семья"). И если фонд занимается вопросами оказания помощи больным детям, в частности в организации их лечения в республике и в иных странах, патронируют детские приюты, дома и т.д., то Центр "Оила" содействует, в основном, организационными, научно-разъяснительными мерами, сохранению национальных, народных традиций, обычаев в брачно-семейных отношениях, их гармонизации с общечеловеческими ценностями.

Ранее проблема формирования здорового поколения в семье являлась предметом весьма ограниченных исследований со стороны специалистов-медиков, генетиков, психологов. Вопросы охраны здоровья ребёнка редко рассматривались в контакте его развития и воспитания в семье. В настоящее время в Узбекистане разрабатываются стандарты физического развития членов семьи, подготовки детей к школе. Наряду с этим ведутся исследования, направленные на совершенствование духовного и физического воспитания в семье, более эффективного использования трудов учёных, мыслителей

Центральной Азии, Востока и Запада по вопросам семьи, исследуя процесс возрождения семейных этнических, духовных ценностей.

Вся эта работа, нацеленная на семью, ныне имеет очень большое значение, так как даже при социальной ориентированности реформ в экономике, довольно активной социальной защите слоёв населения и при преобразованиях в системе здравоохранения, в сфере образования материальное положение и духовно-нравственное состояние многих семей в Узбекистане подвергаются серьёзным испытаниям.

В целом же, говоря о преемственности прошлого и настоящего в истории семьи, можно отметить, что семья на всех этапах развития общества рассматривалась как социально значимый объект, так как именно в ней отражаются интересы и потребности народа. Изменения, происходящие в обществе и семье, взаимосвязаны. Нынешние общественно-экономические перемены, изменяющие образ жизни людей, отражаются прежде всего на семье, создают реальные условия для формирования у молодёжи уважительного отношения к Родине, к её истории и духовному богатству, но, в первую очередь, к семье. А семья - это основа и символ Отечества. Ведь, как подчёркивал Президент Узбекистана, с "чувством патриотизма глубоко созвучна гордость за свою семью, за свою фамилию. Это прежде всего бережное сохранение и приумножение семейных традиций, стремление не запятнать доброе имя отцов и дедов, желание своим трудом, знаниями упрочить авторитет фамилии, заслужить признание и уважение людей".¹

На протяжении многих веков своего существования узбекская семья функционировала и развивалась в рамках общечеловеческих ценностей и ориентиров, под воздействием национальной психологии и мусульманского вероучения, которое было и оставалось даже в условиях советского государства частью национального менталитета, определяющего образ жизни и духовного склада узбекского народа. Происходящий ныне процесс возрождения исконных ценностей семьи, национальной культуры предопределяет необходимость отбора из опыта прошлого всего лучшего, что давало народу силы выстоять в трудные времена, возвышало его в период подъёма экономики и культуры.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИК ИНЪИКОСИ

Н.М. Салоҳиддинова

Мақолада бағрикенглик тушунчаси, унинг моҳияти, ўзбек халқ достончилигида намоён бўлиши ва достонларда халқимизнинг миллий тафаккури сифатида акс этилиши баён этилади.

Халқаро миқёсда **бағрикенглик** — «толерантлик» атамаси билан юритилади. Толерантлик атамаси илк бор 1953 йил иммунолог олим П. Мадевар томонидан илмий тушунча сифатида киритилган бўлиб, лугавий маъноси илмий-табiiй адабиётларда барча бактерияларга нисбатан «чидамлилиқ»ни билдирсада, ижтимоий нуктаи назардан у — ўзидан тубдан фарқ қиладиган турмуш тарзига, фикрлар, диний эътиқодлар, ғоялар, халқлар, урф-одатларга бўлган муносабатлар йиғиндисини англатади. Демак, бу тушунча жамият ва инсон ҳаётига маълум таъсир этувчи, яъни инсон иммунитет, ахлоқ, одоб, ҳуққидан тортиб жамиятнинг тузилиши, мазмуни, маданияти, қонунларигача бўлган тармоқларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ижтимоий тушунча сифатида **толерантлик** - соғлом муҳит бўлиб, ўзидан фарқ қиладиган ёт муносабатларга, муҳитга қарши турувчи кучларни қабул қила олиш ёки сингдира олиш демакдир. Биз бунга — **бағрикенглик** деймиз.

Ўзбекистон минг йиллар давомида турли дин, маданият, ўзгача турмуш тарзига эга бўлган элат ва миллатларнинг йиғиндиси бўлган халқларнинг яшаш жойи, ҳамкорлиги, биродарлиги маркази бўлган. Шу марказда яшовчи аҳоли халқ сифатида шаклланиши жараёнида ўз манфаатларини амалга оширишлари учун ўзаро муроасада яшашга, ўзгача дин, урф-одат, тафаккурни эътироф этишга мажбур бўлган ва бу ҳаракат, вақт ўтиши билан, унинг турмуш тарзига, маданияти, маънавиятига таъсир этиб миллий гуруҳ — бағрикенг халқ қиёфасини шакллантиради.

Ўзбек халқининг тарихи унинг турмуши, маданияти, маънавияти, тафаккури мажмуаси бўлиб, турли манбаларда ўзини намоён этади. Шундай ноёб манбалар тизимида халқ оғзаки ижодиёти ҳам муносиб ўрин олган.

Халқ оғзаки ижоди, шу жумлада достончилик, аждодларимиз ва замондошларимизнинг бадиий ва ижтимоий тафак-

кури тараққийетининг ҳамма босқичлари, юксалиш пиллапояларини ўзида акс эттирган, асрлар давомида яратилган энг ҳаётбахш ва барқарор поэтик анъаналарни ўзида мужассамлаштирган маънавий сарчашмаси ҳисобланади. Ҳар бир авлод уни ўз ижодий салоҳияти, истеъдоди билан янгилаб келди, сайқал бериб, юксалтиради.

Ўзбек халқ дostonчилиги халқ оғзаки ижодиётининг энг нуфузли тури бўлиб, халқ тарихи, унинг дунёқараши, менталитети, рухиятини белгиловчи омил бўлибгина қолмай, балки ўзида халқ ва алоҳида шахс вужудини, уларнинг ўзаро муносабатини ифода этувчи қадриятдир. Бу бебаҳо қадрият асрлар давомида халқимизни Ватанга содиклик, эрк, миллий хурлик, яратувчанлик, бунёдкорлик руҳида тарбиялаб, унинг ўзига хос инсоний нафосатини акс эттириб келган.

Ўзбек халқи табиатдан жамоавий халқ. У ўзлигини мунтазам равишда бошқалар муносабатига кўра англашга мойилдир. Ўзбекнинг оилада, маҳаллада, меҳнат жамоасида жамоат ишларидаги хатти-ҳаракатининг баҳоланиши, жамоа бўлиб яшаш, меҳнат қилиш жараёнида (хашарлар, XX асрнинг 20-30 йилларида халқ бошқарувига асосланган «Кушчи» ташкилотларининг вужудга келиши бунга мисол бўла олади), тўйда ҳам, маракаларда ҳам ёнма-ён туриб ўзаро ёрдамлашуви, бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлиб туриши - ўзликни жамоада англаш тамойиллари билан ўлчанади. Бунинг ақсариятини биз қадимдан севиб, халқ томонидан авайланиб келинадиган миллатимизнинг жавохир мероси бўлган урф - одатлар ва, шулар замирида ривожланиб келган халқ оғзаки ижодиёти махсули бўлмиш - дostonларда кузатишимиз мумкин.

Ўзбек халқи ўз ғам - ғўссасини, хурсандчилигини ҳамиша эл билан бирга бўлиб қабул қилган. Ўзбекларда жамоада обрў - эътиборга эга бўлиш - эл назарига тушишидан иборат бўлган омилдир. Бу эса жуда кўпгина ўзбек халқ дostonларида мужассамдир: «Тўй бўлди, Барчин ойимча ... Тўй беради кўп кунгача ... Қирқ кунгача узмай тўйни беради ... Ўзбекнинг расми шундай бўлади ...: қизу-жувон бари йиғилиб келади ...» («Алпомиш» дostonи, Т., 1987й., 156 бет). «Йиғилишиб келган ёшу - қарилар, қирқ - кечаю, қирқ кундуз тўй қилиб беклар ...» («Маликаи айёр», Т., 1988й., 126 бет).

Ўзбек миллати жамоага қараб фикр юритувчи, таҳлил қилувчи, қарор чиқаришни эса бошқарувчи шахсга қараб ҳулоса қилувчи халқдир: «Бойсарига энди хабар берибди, элатидан катта-кичик келибди, элат билан маслаҳатни қилибди»

(«Алпомиш» дostonи, 1987 й., 156-158 бет). Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда узоқ ўтмишда халққчил ҳокимият тури аҳамият касб этган. Тўқсон иккитадан ортиқ туркий уруғдан яралган халқ муросаи-мадора қилиб яшашга интиланган, адолат мезонлари ҳукмрон бўлишига ҳаракат қилган, бошқарувчи шахс билан маслаҳатда бўлиб ҳулоса қилувчи жамоа бўлиб шаклланиб келган. Бундай ҳолни сиёсатшунос тадқиқотчилар «шарқона демократия» деб атайдилар. Биз буни - *бағрикенг халқ* деб тушунамиз.

Шарқ халқлари ва, шу жумладан, ўзбек халқи учун бош қадрият бу маънавий омиллар: инсон обрў-эътибори, шаъни, нафсонияти, виждони, орияти. Бу қадриятларнинг бузилиши жамият ва, кейинчалик, давлатнинг нурашига олиб келади: «У вақтинда элда ёвгарчилик кўп булар эди, эл бундай қишлоқ солиб тўпланиб, жойлашиб ўтирмас эди: ҳар замон ёвгарчилик бўлиб, биров - бировни талаб олиб, у халқ бу халққа, бу халқ - у халққа аралашиб юрган замон эди». («Тўлғоной» дostonи, Т., 1974й., 7 бет).

Халқ тушунадиган адолат тамойиллари бўлган иймон, эътиқод, одоб, андиша кабилар замирида бунёд этилган ўзбекона турмуш тарзини мувозанат меъёрларига дарз кетгудек бўлса оила, жамият, давлат тизимида инқирозий ҳолатлар рўй бера бошлайди. Ёинки урф-одатларга зид бўлган ҳаракатлар уларни бузувчига нисбатан «кофир» деб мурожаат этилган, яъни ўзбек халқининг вужуди қабул қила олмайдиган ҳол, деб ҳисобланган («Абдулла кофир» дostonи. ФА Адабиёт институти, арх. 28 сонли инв.)

Бағрикенглик (толерантлик) Шарқда ахлоқий фазилат деб талқин қилинади: қаноат, сабр-тоқат каби маънода тушунилади. Лекин бу ҳар қандай жабр-зулмга тоқат қилиш дегани эмас. Балки - ҳар қандай муаммони тинч йўл билан, келишиб ҳал қилишга интилишдир. Ёвларни енгиш мард шахслар зиммасига юклаб умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда бар-тараф этишга интилганлар: «... Одамлар айтгани рост бўлса, муроса, мадора қилиб, ошна бўлиб қоламиз ва агар ёлғон бўлса, шу тўйда сирини оламиз, туркманга талон соламиз...» («Холдорхон» дostonи, Т., 1981 й., 6 бет).

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз бағрикенгликка эришишни жамиятимиздаги ижтимоий барқарорликнинг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблайди. Халқ оғзаки ижодиётида му-жассамланган бағрикенглик тамойилларига кўра ажодлари-

миз томонидан қолдирилган маънавий — ахлоқий мерос турли маданиятлар, халқларнинг тинчлиги, миллий тотувлик, маданий, диний плюрализм, биргаликда тинч-тотув яшаш каби фазилатларни ўзида қамраб олган ва, ниҳоят, бағрикенглик — тарихий тараққиёт давомида ўзбек халқининг ҳаёт тарзига айланган:

*«Сарик, қора одам — ота фарзанди»,
Бир — биринги раҳм айла, одамзод.
Ё шох, ё гадо бўлсанг — бўл танги,
Бир — биринги раҳм айла, одамзод.*

(Мамай бахши Эргашев)

Миллий истиқлол ўзбек халқ дostonчилигининг тикланиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган. Бу имкониятлар туфайли халқ бадиий ва ижтимоий даҳосини ўзида мужассамлаштирган қадимий миллий қадриятлар тизимини босқичма-босқич тиклаб, ҳаётга қайтармоқдалар ва янги замонавий шароитда ижтимоий турмушни акс этиб келмоқда. Миллий қадриятлар тизимида бағрикенглик-ҳалкимизнинг маънавий нафосати кўзгуси, дostonларда ўзбек халқ бағрикенглиги акс этилиши — халқ огзаки бадиий ижодиёти ни қанчалик ижтимоий турмуш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини намоён этади.

Зеро, ҳалқимиз табиатан толерант (бағрикенг) халқдир ва унинг шу фазилатларини очишга, амал қилишга канча шароит ва имконият яратилса — у шунчалик маънавий баркамол, ижодкорлик фаолият юритиш салоҳиятига эга бўлади.

*Хеч ким бизларни ажрата олмаган
Қозоқ, қирғиз, кинчқоқ билан қароқолпоқ.
Асли бир Одамнинг биз фарзандлари,
Бунга асли тарих гувоҳдир, толе.*

(Окин Аширмат Мусаев)

Маънавий меросимиз, шу жумлада — дostonчилик санъати ҳам, бугунги ҳаётимиз учун хизмат қилаётган улкан маънавий хазина. Бу хазинада инъикос бўлиб келган ва бўлаётган халқ бағрикенглиги мамлакатимизга тинчлик-барқарорлик касб этади, қийинчиликларни енгишга ёрдам беради, инсон ақл-идрокини чиниқтиради.

СЕН МУҚАДДАССАН АЁЛ!

*Гарчи Афлотун илмин яратмагандир аёл,
Аммо Афлотунга ҳам бахш этган камол.*

Ш. Самарова, К. Мамедов

Одамзот наслини яратган Момо Ҳаво жасоратини давом эттирган аёл туфайли олам яралган. Аёл жасорати-ю заковати, зукколиги, саранжом-саришталиги-ю орасталиги билан олам гўзал. Мақолада аёлларнинг ана шу сифатларига тавсиф берилади.

Аёл мухаббати, иродаси, вафоси не-не алломаларни, саркардаларни жасоратга ундамаган — дейсиз. Зеро, унинг ўзи мардлик намунасини намойиш эта олган. Ватанни, халқини қуллик асоратидан қутқариш учун жонини фидо қилган Тўмарис жасорати, шарқ аёлларимиз томирида ҳамон жўш ураётганлигига тарих шохид.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурни мўғул босқинчиларга қарши курашда буюк зафарларга чорлаган шу мунис, доно Сароймулкхоним эмасми-кан?

Тарихий манбаларда ёзилишича Сароймулкхоним Амир Темурни меҳр-мухаббатга гўзал маликаларидан бири бўлганлиги учун эмас, балки оқила, доно эканлиги туфайли буюк жаҳонгирнинг энг донишманд маслаҳатчиси сифатида обрў қозонади. Шу боис, у саройда Бибиҳоним яъни энг катта хоним номи билан аталади.

Сароймулкхоним Амир Темурни доим эзгу ишларга ундаб, унга оқилона маслаҳатлар бериб келган малика. Шунинг учун Амир Темур ҳам кўпинча унга суяниб, худди зукко вазирга қарагандек муносабатда бўлган.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Бибиҳоним диний ва дунёвий илмлардан ҳам бохабар бўлган. Бибиҳоним илми, илм аҳлини, шоирларни юқори баҳолаб, меъмор-муҳандисларга ҳҳомийлик қилган, раҳм-шафқатли, маърифатпарвар малика бўлган.

Бибиҳоним диний илмларни мукаммал эгаллаганликлари туфайли ҳҳам ҳҳар жума номози кунини ўзлари учун ажратилган хонада шоҳона парда ортида ўлтириб Қуръон тушираркан. Унинг овози шу қадар майин, шу қадар жарангдор ва қироатга мос эканки, жума номозига йиғилганлар тинглаб эриб кетар эканлар.

Бибиҳоним малика, оқила маърифатпарвар аёл бўлиш билан бирга моҳир тарбиячи ҳам бўлган. Бибиҳоним ўзи бе-

фарзанд бўлсада, Соҳибқирон Амир Темурнинг энг севимли икки набирасини тарбиялаб вояга етказди. Булардан бири шарқда астрономия соҳасида улкан ҳисса қўшган мутафаккир олимлардан бири Муҳаммад Тарағай-Мирзо Улуғбекдир.

Ривоят қилишларича, Бибихоним шарқда илм-фанни янада ривожлантириш учун кунлардан бир кун қимматбаҳо тақинчоқларини сотиб, ана шу шоҳона дурлар ҳҳисобига бир масжид қурдиришга ҳад қилибди ва хўжаси Амир Темурдан рухсат олибди. Кейин меъмор-муҳандис масжид лойиҳасини чизибди ва устабоши усталар ишни бошлаб юборишибди. Минглаб киши кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ғайрат қилибди. Бу борада Амир Темур сафарга отланиб олис юртларда уруш қилиш учун йўлга чиқибди. Масжид қурилиши ниҳоясига етай деб қолганда Бибихоним канизлар қуршовида яна бир бор қурилиш ишларини кўздан кечиргани келибди. Бино қурилишини жиддий текшириб, кейин устабошига шундай зарур кўрсатмалар берибдики, устабоши Бибихонимнинг зукколиги, меъморий илмдан ҳам билимдонлигидан ҳҳайратда қолибди. Бунинг устига, шу пайт бир шамол кўзғалиб Бибихонимнинг ўртиги (ёпинчиғи) кўтарилиб кетибди. Устабоши беихтиёр оҳ! деб юборибди. «Ё тавба! Аёл зоти ҳҳам шунчалик доно, гўзал бўладими!»-дебди.

Устабошининг бу гапларини эшитган атрофдагилар: «Маликамиз устабошининг юрагидан урди-ёв!» - деб кулишибди. Орадан бир-иккин кун ўтгач: «Устабошимиз маликага ошиқ бўлиб қолибди», деган гап тарқалиб, тезда у катта «миш-миш»га айланиб кетибди. Табиийки, бу «миш-миш» эди холос. Бибихонимнинг қулоғига етмаслиги мумкин эмас эди. Устабоши ўзининг ножоиз гапидан жуда пушаймон бўлибди. Лекин на чора, айтилган гап — отилган ўқ. Тез орада қурилишга Бибихонимнинг канизакларидан бири устабошини сўроқлаб келибди ва унга рўмолга тугилган бир лаганчани узатибди: «Маликамиз буни сизга бериб юбордилар, токим ундаги ранги турли хил бўлмиш тухумларни тановул айлаб, таъми бир хилму эканини фарқлаб бергайсиз. Тонг отарда рўмолни очиб етти хил рангга бўялган етти тухумни кўргач, Бибихонимнинг донолигини ва нимага ищора қилаётганини тушунибди. Тухумларнинг пўчоғи ранг-баранг бўлгани билан таъми бир хил, шунга ўхшаб аёллар ҳҳам у маликами? оддий аёлми? асл моҳияти бир хил, демоқчи эди Бибихоним. Устабоши қаттиқ хижолат бўлиб изтиробга тушибди.

Муҳтарам, сермулоҳаза, идрокли, тафаккури кенг бўлган ўқувчи. Биз шундай зоти олий насллар фарзандларимиз. Барчамиз, ҳҳар бир босган қадамимизда, қилаётган амалларимизда юқорида мўътабар номлари зикр этилган момоларимиз руҳиларини эслаб юрмоғимиз даркор. Мамлакатимизнинг ўнлаб, юзлаб олимлари-ю, халқ ноиблари, раҳбар лавозимларида камтарона меҳнат қилаётган гўзал, оқила, доно аёлларимизнинг борлиги билан ҳҳар қанча фахрлансак озлик қилади.

Шу боис, шоир айтганидек:

*Онам-де, синглим-де, ёрим-де — ёлбор
Эзгу оятларни пичирлаб лабинг.
Шунда — кўкрагиндан тарқалиб - губор
Меҳру-муҳаббатдан пок бўлар қалбинг.*

УДК 491.7

А. НАВОИЙ-ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИ

С.Ш.Холмирзаева

Ушбу мақолада ўзбек адабий тилининг равнақи учун курашда улуғ шоир ва мутафаккир А.Навоийнинг тутган ўрни ҳақида фикр юритилади.

А.Навоий ўзбек адабий тили тараққиёти учун курашнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги аҳамиятига, унинг сиёсий ролига катта эътибор берди. У ўзбек адабий тили халқнинг маънавий эҳтиёжинигина қондириб қолмай, балки, шу билан бирга, давлат сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва уни парчаланиб кетишдан сақлаб қолишда ҳам муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблади. А.Навоий ўзбек адабий тилининг равнақи учун олиб борган кўп йиллик курашини, адабий тил ва бадий адабиёт соҳасидаги бой тажрибасини назарий жиҳатдан ёритиб, якунлиб, тилшунослик фанининг нодир асари бўлган «Муҳокаматул-луғатайн»ни яратди.

А.Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида эски ўзбек тили билан форс -тожик тилини чоғиштириш асосида, турк тилининг ҳам бой тил эканлигини ва бадий асарлар яратиш учун кенг имкониятлари борлигини исбот қилиш, илмий - назарий жиҳатдан ёритиш вазифасини ўз олдига қўяди.

А.Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да тил ва тафаккурнинг умумий масалалари тўғрисида ҳам тўхталади. Навоий

тил билан тафаккурни бир-биридан ажратмайди, уларни узвий бирликда олади. А.Навоий тилни қотиб қолган, ўзгармас бир нарса деб ҳисобламайди. Тил ўсади, ривожланади, у ҳар доим жамиятнинг эҳтиёжига мувофиқлашиб боради, тиллар ўзаро алоқада бўлади, бир-бири билан чатишади, деган фикрни илгари суради. «Форс-тожик тилигина бой ва нафисдир, ўзбек тили қашшоқ ва қўполдир» деган ғайри - илмий тенденцияларни узил-кесил тор-мор этиш, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод қилишга рағбатлантириш ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштиришни, бу тилнинг бойлиги ва ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ёритишни талаб қилар эди. Икки тилни ўзаро чоғиштириш «Муҳокаматул-луғатайн»нинг негизи бўлди. А.Навоий бу асарида аниқ тил ходисалари асосида икки тилнинг луғат бойлиги, сўз ясалиши, фонетик таркиби, стилистикаси ва бошқа хусусиятларини ўзаро чоғиштириб, бойлиги ва бадиий имкониятлари жиҳатидан ўзбек тилининг форс-тожик тилидан қолишмаслигини исбот қилади ҳамда ўзбек тили сўз бойлиги ва бошқа айрим хусусиятлари билан форс-тожик тилига қараганда бир қатор устунликларга ҳам эгадир, деган хулосага келади.

А.Навоий тилнинг луғат бойлигига алоҳида аҳамият беради. У икки тилни бир-бирига чоғиштирар экан, форс-тожик тилида эквиваленти бўлмаган кўпгина ўзбек сўзларига эътибор қилади. Бу жиҳатдан, айниқса, «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган юзта феъл-инфинитив диққатга сазовордир. Масалан: йиғлансинмоқ, инграмоқ, синграмоқ, ўкурмоқ, инчқирмоқ сўзлари йиғламоқнинг алоҳида-алоҳида кўринишларини ифодалайди. Бироқ форс-тожик тилида йиғламоқнинг барча кўринишлари бир хилдаги гиря кардан сўзи билан ифодаланади. Ёки ўзбек тилидаги ичмоқ, сипқармоқ, томшимоқ сўзлари форс-тожик тилида нўшидан сўзи билангина ифодаланади.

А.Навоий бошқа сўз туркумлари, айниқса от сўз туркуми юзасидан ҳам шундай мисоллар келтиради.

Форс-тожик тилида ўзбек тилида

буродар оғо, уни

хоҳар эгачи, сингил

Отнинг эгари зин дейилса ҳам, жибилгир, тўқум, торлиғ, тўқа, қушқун каби асбоблари туркий сўзлар билан юритилади. А.Навоий турли ҳайвонлар ва қушларнинг ички номлари форс-тожик тилида жуда оз эканини, ўзбек тилида эса бундай

номларнинг кўплигини кўрсатади.

А.Навоий омоним ва полисемик сўзлар ўзбек тилида форс-тожик тилидагига нисбатан хийла кўп эканини, бундай сўзлар туюқ жанрида шеърлар битиш учун кенгроқ имконият беришини таъкидлайди.

Шоир сўз ясалиши масалалари ҳақида ҳам тўхталиб, ўзбек тилининг янги сўз яшаш имконияти ва усулларини мисоллар асосида изоҳлайди. Масалан: ўзбек тилида шин (ш) ҳарфи чопишмоқ, топишмоқ каби сўзлар, -чи воситасида сувчи, қушчи каби сўзлар, л қўшиш билан ҳам янги сўзлар вужудга келади, дейди.

А.Навоий ўзбек тилининг фонетик хусусиятлари ва стилистикаси ҳақида ҳам аниқ мисоллар асосида фикр юритади. Ўзбек тилининг бойлигини кўрсатиш, уни камситишга хотима бериш ўзбек тилининг сўз бойлиги жиҳатидан кенг имкониятларга эга эканлигини, унинг форс-тожик тилига таъсирини ёритишни талаб қилар эди.

А.Навоий ўзбек тилининг бойликлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритар экан, у форс-тожик тилини камситиш ёки унга ётсираш йўлидан бормайди. Маълумки, А.Навоий ўзининг адабий фаолиятини форс-тожик тилидаги шеърлари билан бошлаган ва «зуллисонайн» шоир сифатида умрининг охирига қадар бу тилда ҳам гоёвий-бадиий юксак асарлар яратган эди. Форс-тожик тили А.Навоийнинг иккинчи она тили эди, унинг форс-тожик тилида яратган асарлари Жомийдек устоз сўз санъаткорининг таҳсинига эришган эди.

А.Навоий ўзбек тилининг бойлиги ва ўзига хос хусусиятларини кенгроқ ва тўлароқ ёритар экан, у бу тилнинг бадиий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканини исбот қилиш, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод этишга ва бу тилнинг хазиналаридан тўла фойдаланишга рағбатлантириш мақсадини ўз олдига қўйган эди.

А.Навоий форс-тожик тилида эквиваленти бўлмаган чуқур, телмурмак, қабоғ, менг каби сўзлар баёнида адабий парчаларга мурожаат этиб, бир томондан, ўзбек тилининг бойликлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритса, иккинчи томондан, бу тилнинг бадиий адабиёт тили сифатида маълум анъана ва тажрибага эга эканини кўрсатади. Ўзбек ёзувчиларини ўз она тилини мукамал билиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланишга чақиради, адабий парчаларни уларга бир намуна сифатида тақдим қилади.

СЎФИ ОЛЛОХЁР ШЕЪРИЯТИ

Х.Файзиева

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви тўғрисида мумтоз адабиётига янги қараш, янги баҳо бериш, унинг аҳамиятини оширишдан ўрнини илмий асослаш зарурати туғилди. Ана шуларни эътиборга олиб, ҳаёти ва ижодий фаолияти халқимизга кам маълум бўлган Сўфи Оллоҳёр ҳаёти, шеърияти ҳақида фикр юритмоқчиман.

Сўфи Оллоҳёр таваллуд топган манзил илм-фан ва адабиёт ривожланган бой анъаналарга эга юрт ҳисобланади. Миёнқолнинг Бухоро ва Самарқанд оралиғида жойлашгани ҳам бу юрт аҳолисининг мазкур шаҳарлардаги илмий-адабий ҳаёт билан яқиндан танишиши ва ундан баҳраманд бўлишига имконият яратган.

Яқин — яқинларгача Сўфи Оллоҳёр ижодига бир томонлама, яъни синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, уни диний — мистик адабиёт вакили деб қараш ҳукмрон бўлган эди. Лекин мустақилликдан кейин Сўфи Оллоҳёр каби шоирлар ижодига ҳолисона баҳо бериш имконияти туғилди. Сўфи Оллоҳёрнинг «Сабот ул-оғизин» асари 1991 йилда «Чўлпон» ва 1992 йилда «Меҳнат» нашриётларида чоп этилди. Сўфи Оллоҳёр мумтоз адабиётимизнинг мутафаккир вакили сифатида фалсафий — дидактик шеърият тараққиёт ва такомилга ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг бундай шеърлари республикамизда янги ғоялар билан бойиган янги мафкура таркиб топаётган ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эга.

Сўфи Оллоҳёр ғазал жанрига фалсафий — дидактик ғоялар ифодаси учун ҳам мурожаат этган. Уларни орифона ғазалларнинг етук намуналари қаторига қўшиш мумкин. Шунингдек, Оллоҳёр ижодида жувонмардлик маслаҳи ва мафқура илгари сурган ғўзал ахлоқий сифатларни улуғловчи бир қанча шеърлар ҳам мавжуддирки, улардаги бундай фикрлар бугун ҳам ўзининг ғоявий — тарбиявий қимматини тўла сақлаб қолган:

*Ҳар кимни бўлса нияти эҳсонда нон каби,
Ҳар солсалар танура, ичидан сурхў чиқар...*

Шоир панд-насиҳат руҳидаги шеърларида тирикликнинг қадрига етишга, бу ўтар дунёда кишиларга ҳиммат кўрсатиш

— саховатли бўлишга, бўлар — бўлмасга ҳам чекмасликка чақиради:

*Жон, агар ҳам сиҳҳати тандур, жаҳонда ҳам ема,
Бу азиз меҳмон боринда ғуссаи алам ема.*

Шоирнинг поэтик таърифида жон — бир азиз меҳмон. Уни ранжитмаслик учун «ғуссаи олам» га ён бермаслик керак.

Маълумки, Сўфи Оллоҳёр нақшбандийлик тариқатига мансуб шоирлардан. Унинг диний — илоҳий ишончлар ва ахлоқий — маънавий қарашларнинг тўла шаклланиши ҳамда тараққий топишида Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари асос солган тариқат мафқурасининг роли ва таъсири жуда каттадир. Шунинг учун унинг шеърлари орасида бу даъвони исботловчи мисоллар миқдори ҳам етарли.

Сўфи Оллоҳёр нақшбандийлик тариқати ҳақиқатларига чуқур ишонч билан қараган ва оқибатда унинг ўзи ҳам тариқатнинг атоқли шайхларидан бири сифатида халқимизнинг фалсафий — бадий фикрлари тараққиётига улкан ҳисса қўшган. У йирик шоир ва олим сифатида меҳнаткаш оммани пок ҳаёт кечиришга чақириб, катта обрў-эътибор топган, ақл — идрокни яхши кишиларга хизмат қилишга бағишлаган.

Оллоҳёрнинг панд — насиҳат мавзуида ёзилган асари «Сабот ул-оғизин» дир. Асарда комил инсонни тарбия қилиш асосий мақсад қилиб олинган. Бу эса ўзбек мумтоз адабиётининг XVII — XVIII асрлар тарихида ҳам муҳим масалалардан бири бўлган эди.

Инсон ва дунё муносабати асарнинг бош масалаларидан биридир. Модомики дунё фоний экан, инсон кўнглида нима қилмоқ керак деган савол туғилиши табиий. Сўфи Оллоҳёр бу саволга шундай жавоб қайтаради:

*Муяссар бўлса тиллодин сенга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айтмағил сахт.
Агар берса жаҳон султонлиғи даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.*

Шоир бойлик, амал, мансаб, обрў — шуҳратнинг бу дунёдаги аҳамиятини, ўрнини инкор этмайди. Аммо охиратда мансаб, насаб, мерос эмас, кишининг эл-юрт манфаати йўлида қилган ишлари сўралади:

*Ишонма отага, қолма талабдин,
Сўралмаслар қиёматда насабдин.
Ҳасаб фавқи насабдур, эй нақу ҳол,
Ипак тўндин ўтар ҳўб ишланган шол.*

Сўфи Оллоҳёр инсон камолотга эришишни истаса, авва-

ло ўз ҳаётини покиза қуриши лозим деб билади. Шоир эътиқодича, ҳаром луқма, ҳаром мол ҳеч вақт сингиб кетмайди. Ҳаром нарса хайр — садақа қилинганда ҳам ўзини оқламайди. Балки у ўзгаларни ҳам гуноҳга ботириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Сўфи Оллоҳёр ижодида панд-насиҳат руҳи кучли, инсоннинг маърифатга интилиб яшаши лозимлиги, пешона тери билан меҳнат қилиб пок ҳаёт кечирishi, молга, бойликка ҳирс қўймаслик, насаб ёки мансабга таяниб, кибру — ҳавога берилмаслик, бечорапарвар бўлиш, зулмкорлик, хушомадгўйлик каби салбий хислатлардан узоқлашиш, диёнатли бўлиш каби масалалар мадҳ этилган.

УДК: 502

ЭКОЛОГИК МАЪНАВИЯТ МЕЗОНЛАРИ.

Ў.Г. Саидова

Мақолада кишиларнинг табиатга маданий муносабатларини ривожлантиришда ҳалқимизнинг тарихдан шаклланган экологик маънавий меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган.

Ҳалқ экологик маънавий-маданий меросини, шартли равишда, 1) кундалик ҳаётининг экологик эҳтиёжлари билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналарга; 2) моддий ишлаб чиқариш фаолиятига доир экологик амалий фаолият йўналишига; 3) ҳалқ оғзаки ижоди шаклидаги маънавий меросга бўлишимиз мумкин.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг: «Она заминимиз бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка катта илмий — фалсафий мазмун бор.

Ҳақиқатан ҳам кишиларнинг табиатга маданий муносабатларини ривожлантиришда ҳалқимизнинг тарихдан шаклланган экологик маънавий меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки вужудга келган ҳозирги экологик вазият атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларнинг барча турларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишнинг цивилизациялашган тизимини тақозо қилмоқда. Хусусан инсон омили ролини ошириш, уларнинг интеллектуал потенциалини табиий бойликларини муҳофаза қилишга йўналтириш маънавий-маданий фаолиятнинг устивор йўналишига айланди.

Аҳоли сонининг ўсиши билан унинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва бошқа моддий бойликларга эҳтиёжи кучаймоқда. Жамиятнинг табиатга маданий муносабатларида биосфера экологик муовозанатни сақланишининг асосий тамойили инсоннинг табиатга таъсирини, унинг ўзини-ўзи тиклаш имкониятини сақлаб қолиш ҳисобланади. Бунда одамлар ўз хўжалик фаолиятларини шу тамойил асосида ташкил қилишлари учун маънавий меросни, хусусан экологик маданият тарихини чуқур билишлари лозим.

Оташпарастларнинг эътиқодларича, ёниб турган олов асло сўнмаслиги керак. Агар олов ўчиб қолгудек бўлса, оқибати хунук, ўта фожиали бўлади, фалокат кетидан фалокатлар рўй бера бошлайди, деб ҳисоблашган. Оташпарастлар оловнинг ўчиб қолиши Тангрининг яшабини истамаслик, деб баҳо беришган. Оловни ўчирмасликни, унинг доимо ловуллаб ёниб туришини таъминлашни ўтпараст аجدодларимиз Тангрини ҳурмат қилиш, унинг яшабини ишташ деб тушунганлар.

Оловни сўндирмаслик ниятида ловуллаб ёнаётган ўтнинг устига кўп қуруқ ўтинлар доимий равишда ташланиб турилган. Олов тинмай ёниб турган. Кимда ким оловнинг ўчиб қолишига сабабчи бўлса, калласи кесилган ёки чўғнинг устига ўтқазилган.

Зардуштийлик динига сиғинувчилар ўз эътиқодлари — оташпарастликка умрларининг охиригача содиқ қолганлар; Масалан, тарихий шахс Муқаннани бир эсланг. У ўз эътиқодида собит турди. Ислоҳ динини қабул қилмади, чорасиз қолгач, ловуллаб ёниб турган катта тандир ичига ўзини отиб, куйиб кетди... Ўтпараст аждодларимиз, ҳали айтганимиздек, ислоҳ динини дарҳол қабул қилмайдилар, чунки, шу урлари ўтга топиниш таълимоти билан банд эди.

Куёш нури, ўт-оловни эъзозлаш ҳақидаги Зардуштийлик таълимоти ва унинг бош китоби — «Авесто» ҳикматлари неча-неча асрлар, минг йиллар ўтишига қарамасдан ҳамон сақланиб келмоқда. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона водийсида ҳали ҳамон сақланиб келаётган «ўтаган», «ўтан», «утоғоси» каби сўзлар ислоҳотлар борки, бу, эҳтимолки, ўт беги, олов эгаси маъноларини англатса, ажаб эмас. Тўй маросимларида келин-куёвларни гулхан атрофида айлантиришлар, марҳум ва марҳумалар жони узилган хоналарда 40 кун давомида тунлари муттасил чироқ ёқиб қўйишлар, вақти-вақти билан мазор бошида ёки азиз авлиёларнинг сағаналари олдида шам ёқишлар ҳаммаси

ўтпарастлик- оташпарастликка аждодларимиз урф-одатлари, анъаналарининг бугун намоён бўлган шакллари дир.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китоби бундан қарийб уч минг йил олдин Турон заминда ер, сув, ҳаво ва оловни эъзозлаш ҳақида умумбашарий аҳамиятга эга бўлган буюк маданият, буюк маънавият, буюк таълимот бўлганидан гувоҳлик беради. «Маънавий руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим,- дейди Президентимиз И.Каримов. Цивилизация белгиларини асраб авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб авайлаш ҳам шунчалик муҳим дир».

Агар ерга меҳр билан муносабатда бўлинса ундан меҳнат, меҳр – шавқат аялмаса, у ҳам инсондан марҳаматини ҳеч ҳам аямайди. Жамики бойликлар, барча озиқ-овқатлар маъданлар, қазилма бойликлар, жавохирлар ердан, ер сийнасида олинадилар. Шу маънода ернинг иқтисодий, маънавий, экологик аҳамияти беқиёс дир.

Табиатга меҳр-муҳаббат, атроф- муҳитни, сувни, ҳавони, тупроқни, ҳайвоноту набоботни асраб авайлаш, заминдаги барча жонли жонсиз нарсаларнинг қадрига етиш, бесабаб но-буд бўлишига йўл қўймаслик ҳақидаги асосий ғоялар катта ўрин тутган. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, ривожлантирилиб, ижодий бойитилиб, сайқаллантириб келинган мақоллар, маталлар, нақллар, ривоятлар, ҳикматлар, асотирлар, дostonлар, эртақларда табиат инсон тирикчили-нинг асоси сифатида улуғланган, она Ер Яратганнинг ажойиб саховати сифатида мадҳ этилган: «Ер-ҳазина», «Сув -олтин», «Ер тўқ-сен тўқ», «Ери бойнинг-эли бой», «Ер севарни-эл се-вар», «Ерни боқсанг-боғ бўлади, ботмон-даҳсар ёғ бўлади».

Бобокалонларимиз насл-насабларига, Она ерни чин юракдан севмаслик уни эъзозламаслик, одоб ахлоқдан эмас чунки ер сенинг шоду-хуррамликда яшашинг, ўқишинг, ўрганишинг, ишлашинг, фаровон осуда ҳаёт кечиришинг учун хазинасидаги бор бисотини аямасдан, олдинга тўкиб-сочади, у хазиналар кони, - деб айтган, таълим тарбия берган. Аждодларимизнинг, «Ерга меҳр-элга меҳр», «Ерни алдаган-ўзини алдар», «Ерни деган қанд ейди, демаган-панд» деган доно ўғитлари ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини тўлалигича сақлаб келмоқда.

Ўзбек халқининг миллий маънавий-ахлоқий қадриятлари,

урф-одатлари ва анъаналарида, ҳар ҳил маросимларида, деҳқончилик, боғдорчилик, йил фасллари-баҳор, ёз, куз ва қиш ҳақидаги қўшиқ-ашууларида энг қадимги даврлардан ҳозиргача табиат олқишланган, мадҳ этилган, Оллоҳга шукроналар айтилган. Инсон тан ила жони, бутун борлиғи ила табиат билан тутшиб, бирикиб кетганлиги ҳаққоний ифодаланган.

Наврўз-ғўзаллик, табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Табиат уйғонар экан инсон руҳи ҳам янгиланади. Шу билан бирга инсон билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар кириши табиий дир.

Наврўз шарқ халқларининг, хусусан, ўзбек миллатининг энг қадимги баҳор байрами, тарихий қадриятларидан бири дир.

Наврўзнинг бошқа ҳилма-ҳил байрамлар, сайиллар, тантаналар-у шодиёналардан фарқи, афзаллиги, энг аввало, инсонга илк бор баҳор нафасини, яшариш, янгиланиш завқини чуқур ҳис эттиришида Наврўзда одамлар кайфияти ўзгача бўлади.

Наврўз баҳорги кун ва тун тенглиги, яъни, 21-22 март кунлари нишонланб, байрам қилинади.

Наврўз эрамиздан аввалги бир неча минг йиллар аввал ҳам кенг нишонланган. Шарқ мутаффакирларининг шоҳ асарларида Наврўзнинг пайдо бўлиш тарихи, Ажам яъни араб бўлмаган мамлакатларга ёйилиши, байрам қилинишининг одатга айланиш сабаблари кенг баён этилган. Ўтмиш шоирлар ўз ғазаллари ва дostonларида, буюк мутафаккирлар фалсафий, тарихий асарларида Наврўзни мадҳ этганлар. Наврўз таомидан ҳаттоки Муҳаммад Алайҳиссалом ҳам завқланган эканлар.

Ўтмишдан бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлар Наврўзнинг нақадар қадимийлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳақда буюк аллома Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуний маъсудий» ва бошқа асарларида маълумотлар мавжуд.

Фирдавсий «Шоҳнома» асарида Наврўз байрамининг урфга айланишини қадимги Пахлавий китобларидаги маълумотларига асосланиб, Эрон эпосининг қаҳрамони шоҳ Жамшидга боғлайди. Шу кунни янги йил байрами дейишарди. Умар Ҳайём ҳам «Наврўзнома» асарида боқий анъанага айланган ғўзал байрамни мадҳ этишда алоҳида илмий-амалий аҳамиятга молик.

Наврўз ойида арпа — буғдой экиш турмуш тарзи

ўтроқчиликка асосланган мамлакатларда, Туронзамин ҳалқларида, жумладан, ўзбекларда энг қадимий маданият, ажойиб қадриятлардан ҳисобланади. Деҳқончилик юксак маданият, умумбашарий қадриятдир. Ана шу маданият, банибашарий қадрият инсонни табиат билан янада кучлироқ туташтиради. Одамзотнинг ерга, она-Заминга, сувга, атроф-муҳитга, меҳр-муҳаббати, уларга бўлган интилиши Наврўз ойларида бир эмас, ўн ва юз карра кучайиб, авж олади.

«Авесто»да айтилишича, табиатни муҳофаза қилиш муаммолари ичида энг муҳимларидан бири-сунинг ифлосланишига йўл қўймасликдир. Чунки сувнинг оқилона тасарруф қилинмаслиги ва қадрланмаслиги туфайли дарё, кўл, денгиз ва океанларнинг ифлосланиб кетиши, бундан эса инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси беҳад ва беҳисоб зарар кўриши, ҳаттоки ҳалок бўлиши муқаррарлигини аجدодларимиз англаб етганлар.

Ҳалқ оғзаки ижодиёти, ёзма ёдгорликлар, адабиёт, санъат, тарих, тиббиёт, фалсафага оид кўплаб асарларда ҳам сув, унинг фойдаси тўғрисида ажойиб фикр мулоҳазалар уз ифодасини топди.

Инсониятнинг хулосасига кўра сувларнинг энг яхшиси булоқ суви бўлиб, лекин ҳамма булоқники эмас. Балки ери тоза ва тупроғи биронта чет хусусият ва кайфият бўлмаган булоқнинг сувидир. Ёки сув оқадиган жой тошли бўлиши керак, чунки у балчиққа ўхшаб сасимайди, ҳамма тоза тупроқли ер тошли ердан яхшироқ. Ҳамма тоза тупроқли булоқнинг суви яхши бўлавермайди. У оқарсув бўлиши керак, оққанда ҳам қуёш ва шамол учун очиқ жойда оқиши керак. Чунки булар оқар сувга фазилат берадиган нарсалардандир.

Ибн Синонинг айтишича, ёмғир суви ҳам, яхши сув ҳисобланса ҳам у тез сасийди, чунки жуда суёқ бўлиб, ер ва ҳавонинг бузилиши тез таъсир қилади.

Айтилганлардан кўриниб турганидек, қадимий туркий ҳалқлар, табиатни эъзозлаш ҳақидаги Зардўштийлик дини ва ислом таълимоти йўл - йўриқларига асосланиб ховуз, қудуқ, ариқ, булоқ, дарё, денгиз сувлари ифлосланишига йўл қўймаганлар. Анҳор ва ариқ бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга рухсат этилмаган. Қудуқ ва ховуз сувларини ифлос қилганларга катта-катта жарималар солинган.

Экология қонуниятларида 4 нарсаси: Ер, олов, сув ва ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони булғаш, ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга

кўмиш, сувга оқиши, оловда ёқиш гуноҳи азим ҳисобланган». Зардўштийлик диний қонунларида Ер, олов, сув ва ҳавони ифлослантиришни жиноят деб ҳисоблаб, бундай жиноятга жазо 400 қамчи уриб жазоланган ёки қилган жинояти оғирроқ бўлса ўлим жазосига ҳам маҳкум этилган, ёхуд бундай жиноят қилганларни катта жарима эвазига авф этиш ёки қул сифатида улардан жамоа ишларида фойдаланиш масалаларини оқсоқоллар Кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан бамаслаҳат адолатли қонунлари асосида ҳал қилганлар.

Бир пайтлар ота боболаримиз оилада ўғил фарзанд туғилганида, унга атаб яхши ният билан мевали дарахтлар ўтказиб, боғ-роғлар яратганлар. Ҳовлилари атрофида, ариқ бўйларида иморатбоп дарахтзорлар барпо этганлар. Бу ҳам иқтисодий, ҳам таълим-тарбиявий аҳамият касб этган. Дарахт экиб парвариш қилишни, ҳосилга киритишни ёш болалар оталари ва боболаридан ўрганишдан, гўдаклик давридан бошлаб, уларнинг кўзлари пишиб, зеҳнлари ўсиб; дунёқарашлари кенгайиб, тасаввур тушунчалари бойиб, чуқурлашиб борган. Табиатга меҳр-муҳаббат борасида оилада берилган таълим-тарбия фарзандлар қалбида муҳрланиб қолган.

Экологик таълим-тарбияга оид бўлган аجدодларимиз асрий тажрибаларини, бой анъаналарини замонавий мезонлар асосида давом эттириш, ижодий ривожлантириш давр талабидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.

М.Қ.Рахмонова.

Ушбу мақолада жамиятнинг ижтимоий муносабатлари тизимида асосий ўринни эгаллаган оилавий муносабатлар, ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, бола тарбиясининг долзарб муаммолари, оиланинг ривожланиш истиқболлари хусусида фикр юритилган.

Оила жамиятнинг социал асоси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси сифатида ҳар бир тарихий давр, ҳар бир ижтимоий иқтисодий тузумда ўзига хос маънавий асосга хусусиятларга эга бўлади. Унда муайян тузимнинг ҳарактерли хусусиятлари, зиддиятлари, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришларда ўз аксини топади.

Оила кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, бўлиб, ижти-

мой-маданий организм сифатида шакллангандир.

Оила (family)-кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй рўзгорни, хўжаликни бошқариш) ҳуқуқий (никоҳни фуқаролик ҳолатларини қайд этиш) маънавий (эрхотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги севги муҳаббат, меҳр, оқибат туйғуси, тарбия, қариндошчилик алоқалари) муносабатларига асосланган бирлигидир.

Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий мулк, ҳуқуқий, ахлоқий алоқалар билан боғланади.

Президент Каримов таъбири билан айтганда «Оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Рамзий қилиб айтсак, оила ўзига хос кичик бир мухтор давлатдир. Лекин оила осмондан тушмайди, оила жамият ташқарисида эмас, унинг таркибидадир». ¹ ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар давомийлиги, келажак наслларнинг қандай инсон бўлиб етишиши бевосита оилага боғлиқ.

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» 16 – моддасининг 3-қисмига биноан «Оила жамиятнинг табиий ва асосий бошланғич ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиши ҳуқуқига эгадир»²

Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан янги Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини қабул қилинди ва 1998 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилди.

Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби ва 63, 64, 65, 66 моддалари жамиятнинг асоси бўлган оилага бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63 моддасида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб таъкидлаб ўтилади.

Оилани муҳофаза қилиш тушунчаси кенг мазмунга эга бўлиб, бунда оиланинг дахлсизлигини, яъни шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, оила учун керакли моддий, маданий ва маиший шароитларни яратиш, болаларга таълим ва тарбия бериш, ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарур бўлган моддий имтиёзлар тўлдириш ва оилани мустақамлаш борасида бошқа шунга ўхшаш муаммолаларни ҳал қилиш ва давлат томонидан амалга оширишни тўғри йўлга қўйиш масалалари назарда тутилади.

Ўзбекистон Конституциясида белгиланган ижтимоий тузум билан оила ўртасида узвий боғланиш мавжуд бўлиб, асосий қомусимизда белгиланган ҳамма тамойиллар, қоидалар оила ҳаётига, оилавий муносабатларга ва уни тартибга солиш-

га қаратилгандир. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг, ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини давлат томонидан қўллаб қувватлаши ижтимоий сиёсатимизнинг асосий мазмун ва моҳиятини ташкил қилади.

Жамиятнинг маънавий – рухий асослари аввало оилада шаклланади. Бу:

- Ватанга муҳаббат, жамоа бўлиб яшаш, қон-қариндошчилик, куда-андачилик одобини шаклланиши, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, сабр-бардош, диёнат, андиша сингари фазилатларни шаклланиши ҳисобланади. Жамиятнинг маънавий-рухий асослари қанча кучли бўлса, оила шунча мустақкам бўлади.

Барча жамиятларда оила институтлари мавжуд бўлса ҳам улардаги оилавий муносабатлар бир биридан жиддий фарқ қилади.

Ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оиласига ўхшаш томонлари кўп. Аммо шу билан бирга унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўзбек оиласининг ўзига хослигини биз аввало оилавий муносабатларнинг ислом қадриятлари асосида, миллий урф-одатларимиз таъсирида шаклланишида кўрамиз.

Аждодларимизнинг азалий тушунчаси бўйича никоҳ илоҳий аҳд, оила муқаддасдир. Қуръони Каримнинг бақара сураси 223 оятда «Хотинларингиз зироатгоҳингиздирлар» дейилади. Бу билан оила қуришнинг биринчи муддаоси-фарзанд кўриш, авлодни давом эттиришдир.

Оиланинг қут баракаси, тежамкорлиги, қарзга ботмаслиги ҳам аёл кишининг уddaбуронлигига боғлиқлиги Хадиси Шарифда қуйидагича таъкидланади: «Хотинларнинг баракатлироғи уйланиш ҳаражатларининг енгилдир» демак ҳаддан ташқари дабдабали тўй қилиб, қарзга ботиб, борадиган хонадондан қут баракани кўтарилмаслиги керак. Ўзбек оиласининг мустақкамлиги, тинчлиги, хотиржамлиги бола тарбиясининг тўлақонлилиги кўпроқ оилада аёлнинг онанинг мавқеига унинг оила аъзолари томонидан эъзозланишига боғлиқ.

Ҳадисларда айтилади «Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир», «Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади, пасткаш одамлар эса хўрлайдилар», хотин қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш иймондандир.

Мусулмончиликнинг шартларидан бири ўз жуфти ҳалолига хуш-муомила бўлишдир. «Эркак кишининг жамоли

тилидир ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади».

Ўзбек оиласининг ўзига хос, ташқаридан сезилмайдиган ички қонун қоидалари ва ахлоқ мезонлари бор. Масалан эрта тонгда туриш, юз қўлини ювмай ҳол-ахвол сўрамаслик, катталарга салом бериш, аёлларни эрталаб туриб барча оила аъзолари учун нонушта тайёрлаш», ҳовли дарвоза олдиларини супуриб қўйиш. Дастурхонга биринчи бўлиб ёши улуг одамни қўл узатиши, аёлларни эрини ишга жўнатиб, кутиб олиши, келган меҳмонни уйга таклиф қилиш каби урф-одатларимиз орқали оила роҳат-фароғат, тинчлик, хотиржамлик, осойишталик масканига айланади.

Ўзбек оиласида оила одобига жуда катта аҳамият берилди, бунга кўра оилада ота-она болалари олдида очик-сочик юрмайди, бачкана қилиқлар қилмайди, пардасиз-уят сўзлар айтилмайди. Оилада болалар катталарга, қариндош-уруғларига нисбатан ҳурмат, эътибор, меҳр-оқибат руҳида тарбияланади.

Ўзбек оиласининг ўзига хос фазилатлари билан бирга бугунги кунда ўзига хос камчиликлари, муаммолари ҳам мавжуд.

Буларни биз бола тарбиясидаги камчиликларда, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишида, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибатларни кўтарилишида, қўйди-чиқдиларни кўпайишида, оилада эрда, жамият социал муаммоларнинг рисоладагидек эмаслиги кўришимиз мумкин.

Оила жамиятнинг ижтимоий асосини ташкил қилар экан, унинг ривож, соғлом муҳити, мустаҳкам муносабатлар тизими демократик жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Соғлом, баркамол оилаларни ривожлантиришда биз қуйидаги мулоҳазаларимизни таклиф этамиз.

- Оилаларнинг ҳар бир аъзоси мамлакатимизда кечаётган жараёнлардан хабардор бўлиши мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши, шу орқали ўзларида Ватанни севиш хис-туйғуларини шакллантириши лозим.
- Оилада ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш Ўзбекистон Конституцияси, Оила Кодексини тарғиб этиш, ўрганиш, шу асосида ҳар бир оила аъзоси айниқса ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқини таниши, ўзини-ўзи химоя қилишни билиш зарурлигини тушинтириш.

- Оиланинг ҳар бир аъзосини айниқса болаларни миллий урф-одатларимиз, шарқона ахлоқий мезонларимиз асосида тарбиялаш даркор. Бу энг асосий ва мураккаб вазифа бўлиб, узоқ вақтни ва машаққатли меҳнатни талаб этади. Миллатни ўзлигини англашини оиладан бошлаши зарур. Фарзандларга ота-она ўз шажарасини ўргатиши, аجدодлари ҳақида кенг маълумот бериши зарур, яъни уларнинг ижобий анъаналарини мерос олиши ва давом эттириши керак;
- Оилада ота-она фарзандларини яхшилик қилишга, ожизга ёрдам беришга, меҳр мурувватга ўргатиши, шу орқали қариндош уруғлар ўртасида алоқаларни ривожлантиришга, мустаҳкамлашга асос солиши керак;
- Оилада бола тарбиясида миллий ғурурни шакллантиришга эътиборни қаратиш лозим. Бунда оиланинг ҳар бир аъзоси миллий қадриятларимизни, тарихий меросимизни урф-одатларимизни ва маросимларимизни билиши ва тарғиб қилиши назарда тутилади. Жамиятда аёлга чуқур ҳурмат ва эътиборли бўлиш, уларга онамиз, қизимиз, опамиз, синглимиз, умр йўлдошимиз сифатида қараш, меҳр, мурувват, садоқат билан марҳаматда бўлиш;
- Оилада қиз ва ўғил болани ўзига хос равишда касб-хунарни бўлишга эришиш. Бунда асосий эътиборни замонавий ва миллий илмларни пухта эгаллашга эътиборни қаратиш лозим. Ўзбек оиласини китобхон оилага айлантириш, бунининг учун барча имкониятларни ишга солиш. Юқорида келтирилган мулоҳазалар асосида миллий шарқона ва умуминсоний қадриятлар тўпланган фидокор оилаларни камол топтириш бош мақсадимиз бўлмоғи шарт.

УДК: 34

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР БОСҚИЧИДА

Р.Э.Турдибоева

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган қўшимчалар, ўзгартиришлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар берилган.

Мустақиллик қўлга киритилгандан буён миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий пойдеворини шакллантириш билан

боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилди. Мана шулардан энг асосийси — бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бўлди. Шундан буён Конституциямиз эски тузумдан демократик жамиятга ҳамда эркин иқтисодиётга ўтишини таъминлашда, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим ислохатларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай бўлсада, Конституцияга ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Агарда биз ҳуқуқнинг жўшқинлиги (динамизми)га эътибор берар эканмиз, бу шуни кўрсатадики, жамиятимизнинг ҳозирги босқичининг ўзига хос ҳодисаларидан бири, яъни қонунчилик қоидаларининг тез ўзгариши имкониятида намоён бўлади. Ушбу саволга юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияда қилган маърузага қисқа, лўнда ва тушунарли жавоб бердилар: «Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди. Шу маънода ... — бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислохатлар йўлидаги олға интилиш экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак».¹

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум натижалари ҳамда 2002 йил 4 апрель Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун мамлакатимизда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масалани тасдиқлади. Ушбу конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига шунингдек, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

Олий Мажлисининг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида Олий Мажлисининг 2003 йил апрелда бўлиб

ўтган XI сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонун икки палатали парламент вужудга келиши вакиллик демократиясининг янада юқори поғонага кўтарилишига, республикамызда парламентаризмни шаклланиши сари муҳим қадам қўйилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Конституцияга киритилган ўзгартиришлардан яна бири Президент ваколатларининг бир қисми биринчи галда давлат, суд тизими ва махсус хизматларининг раҳбарларини, чет эллар дипломатик вакилларини тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган Сенатга ўтказилди. Шунингдек, Конституциянинг 89-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган 2-қисми олиб ташланди. Бу эса Бош вазирнинг, ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ва масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституция моддалари нормаларига киритилган ушбу ўзгартиришлар асосан унинг V бўлими XVIII-XX, XXIII бобларига тааллуқли. Конституцияга киритилган ўзгартиришларни ҳаётга тадбиқ этишни йўлга қўйиш мақсадида 2003 йил 29 август бўлиб ўтган Олий Мажлисининг XII сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида» қонунлар қабул қилинди, ҳамда 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Республикамызда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич жорий этилаётган интилиш ва ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси бўлиб, ҳалқимиз фаровонлигига эришиш учун ишончли конституциявий кафолатларни яратади.

Шу мақсадда биз эртанги куннинг келажаги ва тайёр кадрлари бўлиб етишаётган талабаларимизга Ўзбекистон Республикаси Конституциясини янада мукамал, чуқурроқ ўзлаштириб олишларига омад тилаб қоламиз.

¹ Халқ сўзи. 25 апрель, 2003 й.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ГЕОИНФОРМАЦИОН СИСТЕМАЛАРНИНГ ТАЪЛИМИ ВА БУ СОҲАДАГИ МУАММОЛАР

Ш.Ю.Пайзиева

Мақолада геоинформацион системалар ҳақида ва бу технологияларни таълимда, инфратузилмаларни бошқаришда, ўқув жараёнида ва илмий фаолиятда қўллаш имкониятлари, мутахассислар тайёрлаш муаммолари ҳақида суз юритилади. Қўшимча таълим ва дистанцион ўқитиш, ESRI, Intergraph, PCI Geomatics компанияларнинг дастур таъминотлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Билим бу кучдир. Ҳаётда биз қанча кўп маълумотга эга бўлсак шунчалик асосланган ва самарали қарорлар қабул қиламиз. Аммо, маълумотни факат йиғишнинг ўзи етарли эмас, балки ундан тулаконли фойдаланишни таъминлайдиган қурол керак. Бундай универсал қурол - ГИС технологиядир.

Маълумки, биз ишлатадиган маълумотларнинг кўпчилиги фазовий жой билан боғлиқ. Барча берилганлар ва маълумотларнинг 80%дан кўпроги жой еки фазовий элементлар ва шунинг учун ҳам ҳариталаниши мумкин. Масалан, аҳоли ҳақида, иқтисодий ривожланиш, табиий ресурслар, шаҳарлар ва территорияларни бошқариш, фавқулодда ходисалар, ўрмон ва тупроқ турлари, компаниянинг ишлаб чиқариш фаолияти ва сайёрамиздаги объектлар, ходисалар ва воқеалар ҳақидаги маълумотлар бўладими — ҳаммаси географик жой билан боғлиқдир. ГИС бор маълумотлардан кўп фойдали хулосалар чиқариш имконини беради.

ГИС ўзи нима? Бу тушунчага бир маъноли қисқа таъриф бериш анча қийин. ГИС — бу бизни ўраб турган оламга янги-ча қараш ёки мавжуд оламнинг объектларини, сайёрамизда бўй бераётган ҳодисаларни ҳариталаш ва таҳлил қилиш учун керакли замонавий компьютер технологиясидир. Ҳарита тузиш ва географик таҳлил умуман янги нарсас эмас. ГИС технология бутун инсоният олдида еки бир ташкилот олдида турган муаммоларни таҳлил қилиш ва масалаларни ҳал қилиш учун янги, замонавий, қулай ва тез имкониятни яратди. ГИС электрон ҳариталар ва маълумотлар базаси. Бироқ, ГИС — компьютер экрандаги электрон ҳаритагина эмас, балки турли типда берилганларни (тавсифли, векторли, растрли ва ш.к.)

яратиш, акс эттириш ва бирга таҳлил қилишни таъминлайди. ГИС таҳлил ва башорат жараёнини автоматлаштиради. Бу берилганлар асосида яратилган ҳариталарни ихтиерий координаталар системасида тасвирлаш мумкин ва хоҳлаган ҳариталар проекциясига ўтказиш мумкин.

Ҳозирги замон илм-фани ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ГИСнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, уни яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш энг муҳим масалалардан биридир. ГИС бозор муносабатларига ўтиш даврида энг керакли ва ноёб ахборотларни олиш, ундан барча соҳада келажакдаги ишларни режалаштириш, лойиҳалаш ва бошқаришни таъминлашда фойдаланиш учун мўлжалланганлиги билан ҳам долзарбдир.

Бу технология инсоният фаолиятининг деярли барча соҳаларида қўлланмоқда. Ўзбекистонда бу технологияни оммавийлаштириш ва керакли мутахассисларни тайёрлаш учун ГИС таълимини кенг йулга қўйиш муаммосини ҳал этмоқ зарур. Технологияни оммавийлаштириш усулларида бири бошқаларнинг бу технологияни қандай қўллаётганларини мисолларда кўриш ва ГИС билан ишлашни бошлаш ва атрофдигиларингизга ҳам ўз ютуқларингизни намоиш қилишдир.

ГИС таълим соҳасида

ГИС кўп миллионли индустрия бўлиб, бутун дунёдан миллионлаб одамлар шунга жалб этилгандир. Чет элларда ГИСни мактабларда, коллежларда, университетларда ўрганишмоқда. ГИСга юқори қизиқиш натижасида фақатгина АҚШнинг ўзида 50 мингдан ортиқ турли мутахассисликдаги талабалар ҳар йили бу технология асослари ёки амалиёти бўйича минимум бир курс эшитишади. 3,5 мингга яқин коллеж ва университетларда мунтазам равишда ГИС курслари ўқилади.

Бу технология мутахассисларига талаб жуда катта бўлиб, улар келажакда қизиқарли ва яхшигина ҳақ тўланадиган ишларга жалб қилинадилар. Шу сабабли, ривожланаётган давлатларда ГИС ва у билан боғлиқ технологияларни ўрганиш курслари жуда кенг оммавийлашган. ГИС — бу тадқиқотчининг универсал қуролидир. Илмий ва амалий тадқиқотларнинг йуналишларини ўз ичига олувчи 100дан ортиқ фанларда фазовий таҳлил функцияси қўлланилади.

ГИС — бу нафақат замонавий информатсион технология, балки прогрессив фикрлаш тарзи, атрофимизни ўраб турган оламни билиш усули, бизни дунёқарашимизни қайта қуришга

ёрдам берувчи қуролдир. Буни болаликдан сингдирилиши зарур. Шунинг учун ҳам чет элларда ГИСни боғчаларда, ёш болаларда, мактаб ўқувчиларида кенг тушунтирилиб борилади.

Таълим ва кадрларни қайта тайерлаш соҳасида ГИС мактаб ўқувчилари, талаба, уқитувчи, илмий ходимлар ва маъмурий ходимларга ҳам кенг имкониятлар яратиб беради. Унинг ердамида объект ҳақида ихтиерий берилганларни ва уларнинг фазовий жойлашиши ҳақидаги маълумотларни туплаш, саклаш, таҳлил қилиш ва ҳариталаш мумкин. Бу замонавий компьютер технологияси маълумотлар базаси ва улар бўйича турли суровлар, статистик таҳлил каби амалларни, ҳаритавий куринишда берилганларни, натижаларни, аналитик ҳисобларни тасвирлашни бажаради. ГИСнинг урганиш предмети бу - атрофимиздаги оламнинг объект ва ходисалари ва шу билан бирга турли илмий соҳалардаги кузатиш ва улчаш натижалари ҳам булиши мумкин.

ГИС талаба ва тадқиқотчиларга танланган критерийлар асосида географик саволларни қуйиш ва уларга жавобларни - ҳариталарни яратиш ва таҳлил қилиш билан олиш имконини бермокда. Бу технология шунингдек, амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларини такдимот қилишнинг ажойиб воситасидир.

ГИС инфратизилмаларини бошқаришда

Кўпгина ўқув муассасаларнинг раҳбарлари ва маъмурий ходимлари ГИСни кўп бошқарув масалаларини ҳал қилишда муҳим қурол эканини жуда тез тушунмокдалар. Университетларнинг кучмас мулк ҳариталари ва планлари анчадан буен фойдаланилади, аммо бу маълумотларни ГИСга киритиш хўжалик комплексини бошқаришни турли туман масалаларини ҳал қилишда бу маълумотлардан кўп киррали фойдаланишга ёрдам беради. Бир қатор ўқув муассасаларида бу технологияни абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар базасини, битирувчиларни иш билан таъминланганлигини таҳлил қилиш учун қўллашмокда.

ГИС ўқув жараёни ва илмий фаолиятда

ГИСни давлат ташкилотлари ва хусусий компанияларда қўллаш тез орада бу технологияни яхши биладиган малакали мутахассисларга эҳтиёжни ортиб боришига олиб келади. Мамлакатимизда турли ташкилот ва рақамли гео берилганларни ишлаб чиқарувчи, тўпловчи, тарқатувчи ва фойдаланувчиларни манфаатларини ҳисобга олувчи давлат миқёсида геоинформатикани ривожлантириш соҳасида коор-

динатлашган ҳаракатларнинг йўқлиги, таълим муассасаларида дастурий ва керакли техник воситаларнинг етишмаслиги, ўқув-методик материалларнинг ишлаб чиқилмаганлиги геоинформацион таълимнинг ҳозирги босқичдаги аҳволини акс эттиради.

Геоинформацион технологияларнинг оммавийлашуви «ГИС технология асослари», «Маълумотлар базаси назарияси», «Геоинформатика», «Геоинформацион картография», «Масофавий кузатиш ва ГИС» ва шу каби бир қатор умумий, шу билан бирга мутахассисликда ГИСни қўлланиши бўйича махсус курслар, қўшимча қисқа муддатли турли мавзудаги таъништирувчи курслар, масофавий ўқитишга асосланган ўқув курсларини ташкил этиш ва ўқитишни талаб этади. Геоинформацион таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу бир қатор фанлар чатишмаси сифатида юзага келган.

ГИС - берилган маълумотларга янгича ёндашиш ва замонавий усуллар ёрдамида компьютердан фойдаланиб ишлашни ўрганишга имкон беради. Бундан ташқари, бу технология талабаларни коллектив меҳнатга ўргатади, чунки ўқув лойиҳаларини бажариш ҳамкорликни талаб этади. Назарий ва амалий машгулотлар ўтказиш учун ўқув қўлланмалари, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур бўлса, амалий ва лаборатория ишлари учун ГИС лицензион дастур таъминоти керак бўлади. Таълим мақсадида ишлатиш учун

имтиёзли, гоҳида бепул бу материалларни тарқа-тилади. ESRI компанияси ГИС технологияни оммавийлашуви ва ўқув жараёнига географик фикрлашни тадбиқ қилишга жуда катта эътибор бермокда. Таълим соҳасида геоинформацион технологиялар дастур таъминотларини сотиш бўйича ESRI фирмасининг дас-



тур таъминоти энг кўп қўлланилар экан. Бу компаниянинг дистанцион таълим маркази (<http://campus.esri.com/>) турли мавзулар бўйича 100дан ортиқ курсларни ўқув маълумотлар мисолида таклиф қилади. Бу курс қатнашчилари машқларни бажаришда вақтинча дастур таъминотидан фойдаланиш учун лицензия олишлари мумкин. Кўпгина университетлар бу Интернетдаги материаллардан ўз амалий курсларида ўқув қўлланма сифатида ва сиртқи таълимда фойдаланишади. Бу